



ШЎРАХОН УЧАСТКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЯСИЙ- ИЖТИМОЙ МУОММАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ҚОЗИЛАР СУДИНинг ӮРНИ ВА РОЛИ.

Опаев Б.А.

Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти.

Ф.И.О. Опаев Baymurat Abdreshitovich

Эл. Почта: oraevb@list.ru

Тел: +998 992441822

Аннотация: Қуйи Амударё буйлари тўлиқ 1873 - йилга қадар Хива хонлигига қарам эди. Лекин, бу ерларни Чор Россияси босиб олганидан кейин Амударёнинг ўг қирғоғида Чор Россиясига қарашли Амударё бўлими тузилди. Амударё бўлими бошқарув тизими ҳарбий амалдорлар қўлида эди. Бўлимнинг европалик аҳолиси учун рус судлари, маҳаллий аҳоли учун эса олдингидек анъанавий судлар амалда бўлди. Бу мақалада Амударё бўлимининг Шўрахон участкаси қозилар судида иқтисодий ва сиясий-ижтиомий муоммаларни ҳал этишда қозилар судининг ӯрни ҳакида сўз этилади. Илмий ишда олдин илмий муомилага киритилмаган архив материалларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: Амударё бўлими, Шўрахон участкаси, қозилар суди, қозилик хужжатлар, қарз, вақф, жазо, шариат, одат, архив хужжатлар.

Амударё бўлимининг Шўрахон участкаси бошлиги Орест Шкапскийниг асарлари Амударё бўлимининг кулакларининг ҳаёти ва уларнинг қози судларидаги масалалари ҳакида мухим маълумотлар беради. Муалифнинг «Аму-Дарьинские кулаки перед судом шариата и казиев» [7:66] асарида Хива хонлиги давридаги Шурахонда қози судлари судхўрлик буйича хулосалари ҳакида ёзилиб, уларнинг қарз бериш ва олиш қоидалари ҳакида ва шариатда судхурликнинг тақиқланганига қарамай ўзгача усулда судхурлик йулга қўйилганини ёzádi. Шкапский хонлик давридаги ер эгалиги ва у буйича қозилик хужжатлари асосида ўрганди. Шунингдек, у Ўрта Осиёда кўчманчи аҳоли аёл-қизларининг одат ва шариат олдида ҳуқуқий ҳолатини тасвирлайди.

О. Шкапский бир неча қозининг ёрдамида Шўрахон участкасидаги судхорлик буйича бир қатор қозилик хужжатларни ўрганди. Бу хужжатларни таққослаб шариатга амал қилинмаганлигини такидлайди: «Бундан ташқари,



ушбу битим шариат нуқтаи назаридан тўғридан-тўғри ноқонуний ҳисобланади, чунки у сотиш актини ҳам, ижара шартномасини ҳам ўз ичига олади»[7:47].

Аслида қозилик мансабига алоҳида шахслар тайинланиб, уларнинг бевосита давлат раҳбари билан боғлиқлиги улар обрўсининг кўтарилишига сабаб бўлган[6:72]. Масалан, Хива хони Аллақулихоннинг қайин отаси бўлгач Шурахонлик Нурмуҳаммад қозининг обрўси кўтарилиган.

1897 йили Шурахон участкасининг ўтирикли ҳалқи учун 4 суд районлари бўлиб, (Тўрткўл, Шурахон, Шейх-аббаз-Валий, Бийбазар) уларнинг ҳар бирида 1 та судья бор эди. Чимбой участкасида эса 10 та суд районлари Нукус, Чимбой, Ешим, Кўкўзяқ, Кегейли, Наупир, Таллик, Дауқора, Янгибазар, Бешяб, Кўккўл) бор эди. Кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудлар учун Шурахон участкасининг Бийбазар волостида 3 та, Мингбулақ волостида 4 та, Тамди волостида 4 та судья, Чимбой участкасининг Нукус волостида 4 та, Таллик ва Кўккўл волостларида 3 та, Қўнғирот волостида 2 та, Давқора волостида 4 та ҳалқ судъялари бор эди[5:8].

1904 йили 21 сентябрьда Шурахон участкаси Тамди волостининг қозиси Қаиб Кийизбай ўғлининг тузган актномасида шу волостнинг иккинчи овули фуқароси Бекназар Жарилқасин ўғлининг 40 сум қарз олгани ва унинг 11 суми қайтаргани қолган пулини қайтариши ёзилган. Бу ҳужжатга гувоҳлар 1 ноябрь куни қўл қўйган. Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, қозиларнинг ҳар бир масалани узоқ вақт давомида синчилаб текшириб ўрганиши ва кейин қарор чиқарганликларини кўрамиз[3:25].

1910 йил учун Амударё бўлими маълумотларига кўра, шахсий даъволар буйича ундириш учун 6254 рубль 70 тийин микдорида 65 та ижро варақаси олинган. Шурахон участкаси учун 3000 сўмлик 23 та, Чимбой участкаси учун эса 2950 сўмлик 18 та ижро варақаси бор эди. Петро-Александровск полиция пристави - 304 рубль 70 тийин микдорида 24 та ижро варақаси бор еди. Ушбу операцияларнинг барчаси учун суд ижросичиси 62 рубль 79 тийин мукофот олди (Шурахон суд ижроғиси 43 рубль 9 тийин, Чимбай пристави 15 рубль 90 тийин, Петро-Александровский полиция пристави 15 рубль 80 тийин)[4:64].

Чор Россиясининг бу сиёсати Амударья бўлимида ҳам сайланган бий ва қозилар устидан шикоятларнинг кўпайишига олиб келди. Жумладан, Шурахон участкаси Тўрткўл волости қозиси Исмаил Қулмухаммедов хужжатларни калбакилаштиришда айбланади[2:1].

Кўчириб олиб келинган Урал казаклари ва маҳаллий ҳалқ ўртасида низолар келиб чиқган тақдирда уларни яраштириш қозиларга юклатилган. Шурахон участкаси Тўрткул шаҳри ҳалқ суди Ибрагим қози шу каби ҳолатларда жонбозлик кўрсатган. Шурахон участкасида Хива хонлиги даврида келган немисларга дехқончилик учун берилган ерлар бўлган. Улар дехқончиликда маҳаллий аҳоли хизматидан фойдаланган. Улар билан ҳам бўлган жанжалларда ҳам яраштириш вазифасини Ибрагим қози бажарган[1:2]. Шурахон участкаси начальниги О. Шкапский маҳаллий қозининг софдиллиги, шариат илми билан машҳурлигини, ишончлилигини ва участканинг шариатга таълуқли масалаларни ўрганишда катта ёрдам берганлигини такидлайди[8:213].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Опаев Б. Дола ёзувлари. Тўрткул. 2021.
- 2.Ўз МА, И - 17 – фонд , 1-руйхат, 5125 – йиғма жилд, 1-варак ва унинг орқа томони.
- 3.Ўз МА, И-1023 фонд, 1-руйхат, 1 йиғма жилд.
- 4.Ўз МА, И-17, 1-руйхат, 2829 йиғма жилд.
- 5.Ўз МА, И-17, 1-руйхат, 4718 йиғма жилд.
- 6.Умаров Т. Мирзаев Н. Ўзбекистон ҳудудида қозилик судларининг фаолият кўрсатиши хусусиятлари. Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. I жилд.Т.:2020. – Б. 72.
- 7.Шкапский О. Аму-Дарьинские кулаки перед судом шариата и казиев. «Русская мысль». – С.47.
8. Шкапский О.А. Земледелие в землевладение в Шураханском участке Аму-Дарьинского отдела. Сборник материалов для статистики Сыръ-Дарьинской области. Ташкент 1900 – С.213